

УДК: 638.220.82

**ЛИНИЯ 66 ТИЗИМИ ВА АСАКА ЗОТИНИНГ КАПАЛАКЛАРИ ҲАЁТИ  
ДАВОМИЙЛИГИНИ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА  
БАҲОЛАШ**

*Худайбердиева Умида Саидрасуловна*

*Тошкент давлат аграр университети “Ипакчилик ва тутчилик”  
кафедраси ассистенти, қ.х.ф.ф.д. (PhD)*

*Тургунбоева Наргиза Акбаржон қизи*

*Тошкент давлат аграр университети “Ипакчилик ва тутчилик”  
кафедраси ассистенти*

**Аннотация**

Ушбу мақолада зот ва тизимларнинг капалаклари ҳаёти давомийлиги тўғрисида сўз юритилган бўлиб, капалакларни узоқроқ ва қисқароқ ҳаёт кечириши уларнинг технологик кўрсаткичларига қай даражада таъсир кўрсатиши аниқланди. Капалакларнинг ҳаёти давомийлиги уларнинг генотипига боғлиқлиги ва тажрибадаги индивидларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш зарурлиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** капалак, тут ипак қурти, зот, тизим, пилла, тола, метрик номер, градация, селекция, технологик кўрсаткич.

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, Республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида етиштилаётган товар маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаб рақобатбардошлигини оширишда ўз аксини топмоқда. Бу борада кўп тармоқли аграр соҳа ҳам мустасно эмас. Чунки йилдан йилга табора ривожланиб бораётган ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини жаҳон бозорига яъни экспортга йўналтиришни мақсад қилиб қўйган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда кластерлар муайян ютуқларга эришиб жаҳон ҳамжамиятида ўз ўринларини топмоқдалар.

Республикамиз аграр тармоғининг асосий бўғинларидан бири бўлган пиллачиликда ҳам олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Буни аста-секинлик билан бўлсада пилла етиштириш ҳажмларининг ишончли кўпайиб бориши, сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши, ипак маҳсулотлари экспортининг йилдан йилга ўсишида ҳамда шу соҳада ҳамкорликда ишлаш истагини билдириб инвестиция киритаётган хорижликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса пилла хирмонини кўпайтиришда асосий омил ҳисобланган пиллакорлар қизиқишининг ортиб бориши қувонарли ҳолдир. Чунки пилла ҳосилининг мўл ва сифатли бўлишлиги айнан улар меҳнатининг самарасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамызда пиллачилик сиёсатини юритаётган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, мамлакатимиз кескин-континентал иқлим шароитида ўзига хос қийинчиликлар билан бўлсада, такрорий қурт боқиш ҳажмларини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Аммо тайёрланаётган пилла хирмонининг асосий қисми баҳор мавсумида етиштирилмоқда.

Ҳар бир соҳада, жумладан пиллачиликда ҳам, мўлжалдаги пилла хирмонини тегишли сифат кўрсаткичларига мос равишда етиштириш кўп жиҳатдан генотипада маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичлари мустаҳкамланган зот ва улардан ҳосил қилинган дурагай йўналишларидан олиш мумкин.

Республикамызда кейинги бир аср давомида илмий асосда олиб борилаётган селекция ишлари натижасида ипак қуртининг 500 дан ортиқ кўрсаткичларини у ёки бу томонга ўзгартириш яъни инсон манфаати сари йўналтириш имконияти яратилди. Бу борада фаолият юритган селекционер олимларимиз меҳнатлари натижаси ўлароқ, ўтган асрнинг 90 йилларида ўзимизда яратилган зот ва дурагайлардан фойдаланиб 34 минг тоннагача пилла ҳосили етиштирилиб, ҳар бир қутисидан ҳосилдорлик 75-80 кгни ташкил этган.

Бугунги кунда етиштирилаётган пилла хирмони ва ҳосилдорлиги айниқса сифат кўрсаткичларини солиштирадиган бўлсак каттагина фойдаланилмаётган имкониятлар борлигини кўрамыз.

Биз олиб борган илмий ишларимизда капалаклар ҳаёти давомийлиги билан улар авлоди маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлигига бағишланган бўлиб Линия 66 ва Асака зотларини учта градацияга ажратдик.

Ушбу градацияларга ўртача 7-8 тадан тухум қўймалари бирлаштирилди ва тухумлар аралашмаси ҳосил қилинди.

Жумладан, кузатишларимизнинг биринчи босқичида Линия 66 тизими ва Асака зотлари капалакларини ҳаёти давомийлиги бўйича учга бўлдик, яъни энг узоқ умр кўрганлари I-градация, ўртача умр кўрганлари 2 ва қисқа умр кўрганлари 3-градацияга киритилди. Линия ва зотдаги бу кўрсаткич 2,5 суткадан 14 суткагача ташкил этди, яъни 5,5-6 бараваргача фарқ борлиги, улар генотипадаги фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Қуйидаги 1-жадвалда Линия 66 ва Асака зотлари бўйича маълумотлар келтирилди.

**1-жадвал**

**Линия 66 ва Асака зотлари урғочи капалакларининг ҳаёти давомийлигини градациялар бўйича тақсимланиши (2019 йил)**

Градациялар	Линия 66		Асака	
	ҳаёт давомийлиги оралиғи, сутка	ўртача ҳаёт давомийлиги $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ , сутка	ҳаёт давомийлиги оралиғи, сутка	ўртача ҳаёт давомийлиги $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ , сутка
I-градация	9-14	11,6±0,45	9-14	10,6±0,36
II-градация	7-8	7,6±0,24	7-8	7,8±0,167
III-градация	2-5	5,2±0,32	3-6	7,28±0,599

Ушбу 1-жадвалдан келиб чиқиб, Линия 66 тизими билан Асака зотининг капалаклари ҳаёти давомийлигини ўрганганимизда I-градацияда бу кўрсаткич 9-14 суткани ташкил этган бўлса, энг кам умр кўрганлиги кузатилган III градацияда биринчи тизим капалаклари 2-5 сутка, иккинчи зот капалаклари эса 3-6 сутка яшаганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг тизим ва зот капалакларида бир-бирига жуда яқин бўлганлиги улар генотипига боғлиқлигидан далолат беради.

Бизнинг мақсадимиз капалаклар ҳаёти давомийлигини ўрганиш орқали улар авлодининг маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини ўрганиш эди. Шу мақсадда Линия 66 ва Асака зотлари мисолида авлодининг маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичлари ҳам ўрганилди, олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилмоқда.

**2-жадвал**

**Тизим ва зотларининг градациялар бўйича технологик кўрсаткичлари (2019 йил)**

Зот номи	Градациялар	Қуруқ пилла вазни, г	Пилланинг йиғирилиши, %	Хом ипак чиқиши, %
Линия 66	I-градация	0,536±0,0127	85,9±1,99	42,8±1,46
	II-градация	0,588±0,0152	85,0±2,47	46,3±1,47
	III-градация	0,552±0,0098	89,2±2,21	45,0±1,003
Асака	I-градация	0,488±0,0147	87,0±1,16	43,0±0,89
	II-градация	0,462±0,0153	87,7±1,38	42,6±1,26
	III-градация	0,460±0,0155	88,0±1,39	42,6±1,12

2-жадвалдан кўришиб турибдики Линия 66 тизимининг энг узоқ яшаган капалак ҳаёти давомийлигини куруқ пилла вазнига боғлиқлигини ўрганганимизда I-градация 0,536, 2-градация 0,588, III-градация 0,552 граммни ташкил этди, пилланинг чуватилиши эса 85,9 %ни, 85,0 %ни, 89,2%ни ташкил қилди бундан ташқари хом ипак чиқиши 42,8%ни, 46,3%ни, 45%ни ҳосил қилди. Асака зотида эса аксинча, куруқ пилла вазни 0,488, 0,462, 0,460 граммни ташкил қилиб қолган кўрсаткичлар эса 87,0 87,7, 88,0 ни хом ипак чиқиши эса 43,0, 42,6, 42,6 фоизни ташкил қилди.

Бундан ташқари, жадвалда келтирилган рақамларни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак Линия 66 тизимининг I-градациясида пиллалардан хом ипак чиқиши фоизи 42,8 %ни ташкил этса, II-III-градацияларда 45-46 % ли кўрсаткични қайд этиб 2-3 % га юқорироқ натижани бермоқда. Пиллаларнинг йиғирилиш фоизи эса Линия 66 тизимида I-градацияда 85,9 ва II-градацияда 85,0 %ни ташкил этган ҳолда, шу тизимнинг III-градациясида бу кўрсаткич 89,2 % бўлмоқда. Демак градациялар бўйича бу муҳим кўрсаткичларнинг турли хил бўлиши капалакларнинг ҳар хил умр кўриш муддатларидан катъий назар бир хил бўлмаслигидан дарак беради. Шунинг учун бу ҳолат селекция жараёнида тажрибадаги индивидларга индивидуал ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

### 3-жадвал

#### Тизим ва зотларининг градациялар бўйича технологик кўрсаткичлари (2019 йил)

Зот номи	Градациялар	Ипак маҳсулотлари чиқиши, %	Толанинг умумий узунлиги, м	Метрик номери, м/г
Линия 66	I-градация	49,7±0,89	821,8±29,01	3618,8±85,24
	II -градация	51,2±0,94	687,3±47,25	2889,9±208,16
	III-градация	48,5±0,62	787,8±20,70	3240,2±92,63
Асака	I-градация	49,5±0,84	647,2±23,59	3108,8±73,65
	II -градация	48,3±0,43	729,2±23,29	3782,5±117,95
	III-градация	47,6±0,56	630,2±23,39	3795,6±86,66

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ҳар иккала зотда ҳам энг узоқ яшаган I-градацияда ипак маҳсулотлари чиқиши 49,7; 49,5 %ни, толанинг умумий узунлиги 821,8; 647,2 метрни, толанинг метрик номери эса 3618,8; 308,8 метр граммни ташкил этган бўлса, қисқа муддат яшаган капалаклар гуруҳида эса ипак маҳсулотлари чиқиши 48,5; 47,6 %ни, толанинг

умумий узунлиги эса 787,8; 630,2 метрни, толанинг метрик номери бўлса 3240,2; 3795,6 метр граммни ташкил қилди.

Маълумки пилла етиштиришдан мақсад улардан максимал даражада кўпроқ ипак маҳсулоти олишдир. Шу жиҳатдан 3-жадвалда келтирилган рақамларни янада чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, Асака зоти III-градацияда бу миқдор 47,6 % Линия 66 тизимининг II-градациясида 51,2 % ни ташкил этмоқда. Шунингдек ипак толасининг умумий узунлиги бўйича 821,8 метрли кўрсаткич билан Линия 66 тизими I-градацияси намоён этган бўлса, 630,2 метр билан энг паст кўрсаткич Асака зотининг III-градациясида қайд этилди. Пилланинг технологик кўрсаткичларидан асосийси бўлган, уларнинг метрик номерида энг юқори натижа 3795,6 м/г билан Асака зотининг III-градациясида кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич 2889,9 м/г салкам 1000 м/г лик фарқ билан Линия 66 тизимининг II-градацияси намоён этди.

Юқоридаги рақамларнинг барчаси селекция ва кўпайтириш жараёнида ҳар бир индивид ёки оилага алоҳида ёндашиш зарурлигидан далолат беради. Капалакларнинг ҳаёти давомийлиги неча кунни ташкил қилиши зотнинг генотипига боғлиқ экан, бундан ташқари асосан узокроқ умр кўрган капалакларнинг технологик кўрсаткичлари яъни ипак маҳсулотлари чиқиши, толанинг метрик номери ҳам юқори бўлишлиги аниқланди. Ушбу зот ва тизимлар устида олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўрсаткичлари мустахкамлангунига қадар давом эттирилиши лозимлигини кўрсатди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Акижиков Я.С. Новые методы повышения шелконосности племенных партий коконов на грензаводах. //Науч.тр. СХИ.-Ташкент, 1990.- С.6-23.
2. Алимов А.А. Подбор родительских пар по весу и ширине кокона у тутового шелкопряда. //Науч. тр. САНИИШ. 1961. -Вып. -С.22.
3. Насириллаев У.Н. Генетические основы отбора тутового шелкопряда (монография). -Ташкент: Фан, 1985. -С. 2-9.
4. Насириллаев Б., Умаров Ш., Жуманиёзов М., Гиёсова К. Тут ипак қуртининг 1-суткада тухум қўйиш интенсивлиги ўзгарувчанлиги ва репродуктив белгилар билан боғлиқлиги. //Зооветеринария. -Тошкент, 2016. - №8. 40-41-б.
5. Умаров Ш., Насириллаев Б., Жуманиёзов М., Гиёсова К. Тут ипак қуртининг йирик пиллали зотлари селекцион популяцияларининг ҳаётчанлиги бўйича интенсив селекцияси. //Зооветеринария. -Тошкент, 2013. - №2.(63). 43-44-б.
6. Умаров Ш., Насириллаев Б., Жуманиёзов М. Суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш жараёнида насли пиллаларни пилла қобиғи донадорлиги ва компактлиги бўйича танлаш интенсивлиги //“Сифатли ва

рақобатбардош пилла хомашёси етиштиришнинг долзарб муаммолари” илмий тўплам. - Тошкент, 2017. 15-18-б.

7. Умаров Ш., Насириллаев Б., Ғиёсова К., Жуманиёзов М., Хўжаматов С. Ипак қурти элита популяциясида технологик кўрсаткичларни ошириш омили. //Зооветеринария. - Тошкент, 2017. - №2(111). 35-36-б.
8. Умаров Ш., Насириллаев Б., Ғиёсова К., Жуманиёзов М. Ипак қуртининг янги усулда тайёрланган элита популяциясида ҳаётчанлик ва маҳсулдорлик белгиларининг қиёсий таҳлили. //Зооветеринария. -Тошкент, 2017. - №5(114). 39-40-б.